

[date_open]

_____ш.

Акциядорлик-тижорат Халқ банки томонидан _____ йилда берилган _____-сонли ишончномага асосан фаолият кўрсатувчи АТ «[filial_name]», номидан Бошқарувчи [manager] келгусида «Банк» деб юритилувчи, бир томонидан ва ўз номидан ёки унинг номидан ҳаракат қилувчи фуқаро [client_name], келгусида «Омонатчи» деб аталувчи, иккинчи томондан ушбу шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар.

1. Шартнома предмети

1.1. «Банк» «Омонатчи»дан пул маблағларини *муддатли* омонат турига [acc] / [pers_acc] ҳисобварағига [currency_name] миллий валютада нақд пул ёки нақд пулсизшаклда қабул қилади.

1.2. Омонат турининг номи «[dep_name]», топшираётган маблағ миқдори [sum_dep] ([sum_dep_str_uz]), сақлаш муддати [dep_month], фоиз ставкаси (йиллик) [percent_dep] фоиз.

«[dep_name]» омонатга омонатчи томонидан қўшимча бадал кирим қилиши кўзда тутилган.

1.3. Омонат ҳисобварағига пул киритилиш санаси [date_open] куни ҳисобланади, омонатни қайтариш санаси [close_date] куни ҳисобланади. Сақланиш муддати тугаганидан кейин омонатчи ушбу ҳисобварақни ёпмаса, ушбу ҳисобварақга фоизлар ҳисобланмайди.

2. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Муддатли омонат, муддат тугагунга қадар ёхуд банк омонати шартномасида кўрсатилган бошқа ҳолатлар юз бергунга қадар омонатчининг талаби билан унга қайтарилган ҳолларда, омонат бўйича фоизлар 1.2.-бандида кўрсатилган шартда тўланмайди, балки омонат тури шартига кўра қайта ҳисобланади ва 0-3 ойгача – 12% йиллик, 3-6 ойгача – 17% йиллик, 6-12 ойгача – 18% йиллик, 12-18 ойгача – 19% йиллик, 18-24 ойгача – 20% йиллик фоизлар тўланади.

2.2. Омонат суммасига фоизлар «[dep_name]»-ойма-ой тўланади, талаб қилиб олинмаган фоизлар омонат суммасига қўшилиб борилади.

2.3. Омонат суммасига фоизлар омонат маблағи банкка тушган куннинг эртасидан бошлаб, то у омонатчига қайтарилган ёки бошқа асосларга кўра омонатчининг ҳисобварағидан ўчирилган кундан олдинги кунгача бўлган даврга ҳисобланади. «Омонатчи»нинг ҳисобварағи хатланганлиги оқибатида банк ушбу ҳисобварақдаги пул маблағларидан фойдалана олмаган давр учун фоизлар ҳисобланмайди ёки ёзилмайди.

2.4. «Омонатчи» ёки унинг операцияси санкция таъсир доирасига тушганда ёки тушиш хавфи мавжуд бўлганда, операцияни ўрганиш мақсадида қўшимча маълумотларни сўраш, операция миқдорини чегаралаш, операцияни чеклаш (рад этиш) ёки амалга ошираётган операциялар «Омонатчи»нинг анкетасидаги профилига номувофиқ бўлган ҳолларда хизмат кўрсатишни рад этиш ва «Омонатчи» билан шартномаларни бир томонлама бекор қилиш ҳуқуқларига эга.

2.5. Амалга оширилиши кўзда тутилган операция оқибатида банкка нисбатан иқтисодий санкциялар қўлланиш хавфи мавжуд бўлган тақдирда банк «Омонатчи»га ҳисобварақ очишни ва операцияни амалга оширишни рад этиш ҳуқуқига эга.

2.6. Банк, Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 18 февралдаги “Банклардаги омонатларни ҳимоя қилиш кафолатлари тўғрисида”ги ЎРҚ-1031-сонли Қонунида ўрнатилган тартибда Омонатчининг банкдаги омонатини ҳимоя қилинишини кафолатлайди.

3. Томонларнинг жавобгарлиги

3.1. Шартнома мажбуриятлари бажарилмаганда ёки лозим даражада бажарилмаганда, томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

4. Низоларни ҳал қилиш

4.1. Томонлар ушбу шартнома бўйича юзага келган барча баҳсли ҳолатларни ва келишмовчиликларни ва низоларни музокара йўли билан ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ тегишли суд органлари орқали ҳал этилади.

5. Форс мажор ҳолатлари

5.1. Тарафларнинг бири бошқа тарафнинг олдида ушбу шартнома бўйича олган мажбуриятларини форс-мажор ҳолатларида, яъни тарафларнинг эрки ва истагидан ташқари вужудга келган ҳамда уларни олдиндан кўра билиш ёки бартараф этиши мумкин бўлмаган ҳолатларда (пул кредит сиёсатидаги диноминация, ер қимирлаш, сув тошқини, ёнғин ва бошқа табиий офатлар) бажармаганликлари учун жавобгар бўлмайдилар. Мажбуриятни тўлиқ бажаришдан озод қилиниши учун форс-мажор ҳолатлари асос бўлади.

6. Бошқа шартлар

6.1. Шартномани имзолаш орқали «Омонатчи»Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 18 февралдаги «Банклардаги омонатларни ҳимоя қилиш кафолатлари тўғрисида»ги ЎРҚ-1031-сонли Қонуни, банкнинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари ҳамда амалдаги тарифлари билан тўлиқ танишиб чиққанлигини тасдиқлайди, ҳамда уларга қатъий риоя этади.

6.2. Банк «Омонатчи» ёки унинг вакиллари топшириғига биноан, банкнинг омонат ҳисобварағида турган пул маблағлари билан банк операциялари бўйича амалга оширилган хизматлар учун, тарафларнинг қўшимча келишувига мувофиқ банк Тарифига асосан воситачилик ҳақи ундириш ҳуқуқига эга.